05.40 Футбол. Премьер-лига. «Сатурн»
(Москва обл.) - «Динамо» (Москва).
07.45 10.00 13.50 18.35 21.50 02.30
«Вести-спорт»
08.00 09.05 «Зарядка с чемпионом».
08.15 М/ф «Маугли», «Теремок».
09.15 «Мир детского спорта»
09.45 «Мастер спорта»
10.10 «Вести-спорт. Местное время».
10.15 Дақдод. Командный чемпионат
Европы
11.55 Баскетбол. ЧР. Мужчини. Магч
за 3-е место. «Динамо» (Москва) -
«Урал-Грейт» (Пермь).
14.05 00.35 Теннис. Открытый
чемпионат Франция.
14.45 ПБ. Зав Дуэда (США) - Мигель
Котто (Уругвай-Рио).
19.55 04.00 Баскетбол. ЧР. Мужчини.
Финал. «Химки» (Москва обл.) - ЦСКА.
22.10 Нахстроу ЧЕ по футболу.
22.45 «Самый сильный человек»
23.30 «Неделя спорта»
02.45 «Рыбалка с Радзивиловским».
04.15 Футбол. Премьер-лига. «Крылья
Советов» (Самара) - «Спартак»
(Москва).

Сешанба

07.00 «Летогис спорта»
07.45 10.00 13.50 18.35 21.50 01.00
«Вести-спорт»
08.00 09.00 «Зарядка с чемпионом».
08.15 М/ф «Коалт»
09.35 М/с «Принцесса Шехерезада»
09.15 Т/с «Большая война»
09.45 «Мастер спорта»
10.10 «Неделя спорта»
11.15 19.55 03.45 Баскетбол. ЧР.
Мужчини. Финал. «Химки» (Москва обл.)
- ЦСКА.
13.15 Нахстроу ЧЕ по футболу.
14.05 22.45 01.45 Теннис. Открытый
чемпионат Франция.
18.00 01.10 «Скоростной уақтос».

17.00 «Baby Terra Landiya»
17.30 «Премьера» (узб)
18.30 Serial «Жасига
ўхшаш ийк» 145-серия
19.00 Serial «Париждаги
муҳаббат» 17-серия
21.30 Serial «24 часа»
22.20 «НЕЗАКОНЧЕННАЯ
ЖИЗНЬ» X/ф.
00.15 Миксер

Чоршанба

07.00 08.30 13.25 18.05
21.05 Ўзбек наволари
08.00 Serial «Жасига
ўхшаш ийк» 145-серия
09.30 Serial «Париждаги
муҳаббат» 17-серия
10.50 17.00 Мирове хити
11.30 «Незаконная жизнь»
X/ф.
14.30 «JanpatMakon»
15.00 Serial «Жасига
ўхшаш ийк» 145-серия
15.30 Мультфильм
17.30 «Топ-10»
18.30 Serial «Жасига
ўхшаш ийк» 146-серия
19.00 Serial «Париждаги
муҳаббат» 18-серия
20.30 «Звездолет»
21.30 Serial «24 часа»
22.20 Киноколлекция:
-РОМАН С КАМНЕМ» X/ф.
00.20 Миксер

Пайшанба

07.00 08.30 13.30 17.30
21.00 Ўзбек наволари
08.00 Serial «Жасига
ўхшаш ийк» 146-серия

09.30 Serial «Париждаги
муҳаббат» 18-серия
10.50 Мирове хити
11.30 «Роман с камнем» X/ф.
14.30 «Премьера» (узб)
15.00 Serial «Жасига
ўхшаш ийк» 146-серия
15.30 Мультфильм
17.00 «Baby Terra Landiya»
18.30 Serial «Жасига
ўхшаш ийк» 147-серия
19.00 Serial «Париждаги
муҳаббат» 19-серия
20.30 «Спец репортаж»
21.30 Serial «24 часа»
22.20 «СТАРИКАМ ТУТ НЕ
МЕСТО» X/ф.
00.40 Миксер

Жума

07.00 08.30 13.50 18.00 Ўзбек
наволари
08.00 Serial «Жасига
ўхшаш ийк» 147-серия
09.30 Serial «Париждаги
муҳаббат» 19-серия
10.50 17.00 Мирове хити
11.30 «Старикам тут не место»
X/ф.
15.00 «Жасига ўхшаш ийк» 147-
серия
15.30 Мультфильм
17.30 «Премьера» (рус)
18.30 «Жасига ўхшаш ийк» 148-серия
19.00 Serial «Париждаги
муҳаббат» 20-серия
20.30 «Тунлар муборака»
21.30 Serial «24 часа»
22.20 «АФЕРИСТЫ ДИК И
ДЖЕЙН» X/ф.
00.05 Миксер

Шанба

07.00 15.05 18.30 21.00
Ўзбек наволари
08.30 Мирове хити
9.30 «Аферисты Дик и Джейн»
X/ф.
11.20 Мирове хити
12.00 Baby hits
12.30 Мультфильм
14.30 «Топ-10»
16.00 Семейное кино.
18.00 Prime time (узб)
20.00 Мирове хити
21.30 «Премьера» (узб)
22.00 Блокбастеры по
выходным: «ШАРГЫ ЯРОСТИ»
X/ф.
23.50 - 01.20 Другая
музыка

Якшанба

07.00 11.10 16.40 19.30
21.00 Ўзбек наволари
08.30 18.30 Мирове хити
09.00 Prime time (узб)
09.30 «Шарг ярости» X/ф.
12.00 «Baby Terra Landiya»
12.30 Мультфильм
14.30 Serial «Жасига
ўхшаш ийк» 144-148
сериялар
17.30 «Спец репортаж»
18.00 Prime time (рус)
20.30 «Кинокурьер»
21.30 «Премьера» (рус)
22.00 Блокбастеры по
выходным: «РЭМО-4» X/ф.
23.50 Миксер

RTR SPORT

Душанба

18.45 ПБ. Уйберто Сотто (Мексика) -
Бобби Лавина (Филлиппин).
22.10 Нахстроу ЧЕ по футболу.
Чоршанба
05.40 Футбол. Премьер-лига.
«Локомотив» (Москва) - «Томь»
(Томск).
07.45 10.00 13.50 18.55 21.50 02.10
«Вести-спорт»
08.00 09.05 «Зарядка с чемпионом».
08.10 М/ф «Коалт»
09.35 М/с «Принцесса Шехерезада»
09.20 Т/с «Большая война»
09.45 «Мастер спорта»
10.15 «Скоростной уақтос»
10.45 Гандбол. ЛЧ. Женчини. Финал.
«Хипо» (Австрия) - «Звезда» (Россия).
12.30 Мини-футбол. Всероссийский
турнир «Частная игра»
13.00 «Рыбалка с Радзивиловским»
13.15 22.10 Нахстроу ЧЕ по футболу.
14.05 19.35 22.45 Теннис. Открытый
чемпионат Франция.
15.55 Футбол. Первенство России.
Первый дивизион. «Сибирь»
(Новосибирск) - «Алания» (Владикав-
каз).
19.05 «Лут Дракон»
02.20 Автоспорт. ЧМ по ралли. «Ралли
Акрполис». Пролонг.
02.50 ПБ. Уйберто Сотто (Мексика) -
Бобби Лавина (Филлиппин).
04.00 Футбол. Первенство России.
Первый дивизион. «Сибирь»
(Новосибирск) - «Алания» (Владикав-
каз).
Пайшанба
06.00 Теннис. Открытый чемпионат
Франция.
07.45 10.00 13.50 17.40 22.15 01.05
«Вести-спорт»
08.00 09.00 «Зарядка с чемпионом».
08.15 М/ф «Коалт»
08.35 М/с «Принцесса Шехерезада»
09.15 Т/с «Большая война».

09.45 «Мастер спорта» -
Лут Дракон»
10.40 Автоспорт. Мировая серия.
11.40 «Самый сильный человек».
12.30 Хоккей. Финал Всероссийского
турнира «Золотая шайба»
13.15 22.35 Нахстроу ЧЕ по футболу.
14.05 23.10 Теннис. Открытый
чемпионат Франция.
17.10 01.15 «Тока острва»
17.55 03.45 Футбол. ЧЕ. Отборочный
турнир. Женчини. Россия - Израиль.
19.55 Футбол. Товарищеский матч.
Россия - Сербия.
01.45 Спортивная гимнастика. Кубок
мира

Жума

05.50 Теннис. Открытый чемпионат
Франция.
07.45 10.00 13.50 18.10 22.00 01.05
«Вести-спорт»
08.00 09.00 «Зарядка с чемпионом».
08.15 М/ф «Коалт»
09.35 М/с «Принцесса Шехерезада»
09.15 Т/с «Большая война»
09.45 «Мастер спорта» -
Тока острва»
10.40 «Сборная Россия»
11.10 Футбол. ЧЕ. Отборочный турнир.
Женчини. Россия - Израиль.
13.15 Нахстроу ЧЕ по футболу.
14.05 20.35 01.15 Теннис.
Открытый чемпионат Франция.
16.15 Спортивная гимнастика. Кубок
мира
17.55 «Рыбалка с Радзивиловским»
18.25 04.20 Гандбол. Олимпийский
квалификационный турнир. Мужчини.
Россия - Алжир.
22.25 «Вести-спорт. Местное время».
23.30 ПБ. Юрий Форман (Белоруссия)
- Энтони Томсон (США).

Шанба

06.00 Теннис. Открытый чемпионат
Франция.
08.00 10.00 13.50 22.00 01.05 «Вести-
спорт»
08.10 Автоспорт. ЧМ по ралли. «Ралли
Акрполис». Пролонг.
08.50 ПБ. Юрий Форман (Белоруссия) -
Энтони Томсон (США).
Россия - Хорватия.
10.10 22.20 «Вести-спорт»
10.15 «Летогис спорта»
10.50 Спортивная гимнастика.
12.55 «Самый сильный человек».
14.55 23.35 01.15 Теннис. Открытый
чемпионат Франция.
20.25 04.20 Гандбол. Олимпийский
квалификационный турнир. Мужчини.
Россия - Хорватия.
22.30 ПБ. Синан Самил Сам (Турция) -
Оливер Махлос (США).

Якшанба

06.00 Теннис. Открытый чемпионат
Франция.
08.00 10.00 13.30 16.25 22.00 01.05
«Вести-спорт»
08.10 «Летогис спорта»
08.50 ПБ. Синан Самил Сам (Турция) -
Оливер Махлос (США).
10.10 22.20 «Вести-спорт»
10.15 «Страна спортивная»
10.45 «Будь здоров!»
11.15 Спортивная гимнастика.
12.55 «Сборная Россия».
13.55 «Гадименская гребля»
14.55 Футбол. Благотворительный матч
«Под флагом Доброй»
16.40 Академическая гребля.
18.25 04.00 Гандбол. Олимпийский
квалификационный турнир. Мужчини.
Россия - Япония.
20.00 22.25 01.15 Теннис. Открытый
чемпионат Франция.

ТВ-дастурлар «Садо» МЧЖ томонидан тақдим этилди.

4. <http://cppmp.uz> ёки <http://xabar.uz> бош саҳифасини дастлабки юкланувчи саҳифа қилиб ўрнатинг.

5. Internet Explorer браузерини ёпинг.

2-топшириқ. Қидирув сервери билан ишлаш

1. Хоҳлаган қидирув серверига кириш.

2. Қидирув натижасида Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикасида ва МДХ давлатларида мавжуд бўлган компьютер марказлари ҳақида маълумотларни топинг ва компьютерга сақланг.

3. Топилган маълумотлар ичида таклиф қилинаётган хизматлар ва ўқув дастурлар ҳақида маълумот бўлиши керак.

3-топшириқ. Электрон почта қутисини рўйхатга олиш

1. www.rambler.ru серверида янги почта қутисини рўйхатдан ўтказинг.

2. www.yandex.ru серверида янги почта қутисини рўйхатдан ўтказинг.

3. Биринчи яратилган почта қутисига кириб, ундан иккинчисига хат йўлланг.

4. Иккинчи почта қутисини очиб, аввал юборилган хатни қабул қилиб олинг.


5. Қабул қилинган хатга жавоб қайтариб, унга биронта расм қўшиб, биринчи манзилга жўнатинг.

6. Биринчи қутини очиб, қўшилган расмни компьютерга кўчириб олинг.

Давоми бор.

8

КОМПЮТЕР САБОҚЛАРИ



Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш маркази ҳамда «Xabar» газетаси таҳририяти

(Давоми. Аввали газетанинг 9, 13, 14, 15, 16, 17, 20-сонларида.)

10-дарс. Internet Умумий тушунчалар

“Internet” сўзи Interconnected networks (тармоқлар боғлами) сўз бирикмасидан олинган бўлиб, тор маънода бу кичик ва катта тармоқларнинг глобал жамоасидир.

Интернетга улашиш жараёнида биз интернет провайдер ёки ISP (Internet Service Provider – интернет хизматлари таъминловчиси) хизматларидан фойдаланамиз.

ISP – юқори тезликка эга ўз тармоғига эга ва бу тармоқ бутун ер шарининг бошқа тармоқлари билан боғланган, бошқа ташкилотлар ва шахсларга жаҳон тармоқларига чиқиш имкониятини берувчи

1

ниш жараёнини тўхтатади.

- **Обновить (Янгилаш)** – жорий кўрилатган саҳифани қайта юклайди.

- **Домой (Уй саҳифага)** – дастлабки саҳифани очади (дастлабки саҳифа ҳақида маълумот куйида батафсилроқ кўрилади).

- **Поиск (Қидирув)** – қидирув тизимлари боғлари акс жойлаштирилган панелни очади.

- **Избранное (Сараланган)** – аввал ушбу каталогда сақланган саҳифаларни очади.

- **Журнал** – “Журнал” панелини чиқариш.

Internet қидирув тизимлари

Internet тармоғида маълумотларни йўлбошловчисиз қидириш кутубхонада китобни картотекасиз излашга ўхшайди. Шундай тизимлар мавжудки, улар Internetдаги исталган маълумотни топишга ёрдам беради. Масалан:

www.uz

www.yandex.ru

www.yahoo.com

www.rambler.ru

E-mail

Internetда почта хизматлари ҳам мавжуд. Уларнинг пуллик ва бепул кўринишлари бор. Улар

6

ган, номлари ўзаро қайтарилмаслиги кафолатланади ва шу асосда тармоқдаги ҳар қандай иккита тизимнинг бир хил ном олиш эҳтимоли йўққа чиқарилади.

Буни оддий почтадан хат жўнатилганда хаткилд (конверт)ларда кўрсатилган манзилларга ўхшатса бўлади. Дунёда бир хил номга эга давлат йўқ. Агарда шаҳарларнинг номланиши гоҳида қайтарилса ҳам, уларнинг бошқа-бошқа маъмурий бирликларда жойлашгани назарда тутилса қайтарилмас бўлиб қолаверади. Бир шаҳар ичида эса кўчаларнинг номланиши қайтариллиши мумкин эмас. Шу тарзда манзилнинг маъмурий ва географик бўлиниш асосда номланиши керакли жойни аниқ кўрсатади.

Доменлар худди шундай туркумланишга эга. Доменлар номлари бир-биридан нуқталар билан ажратилади: company.msk.ru, company.spb.ru

Биринчи даражали доменларнинг мавзу ва географик омилларга қараб турли кўринишлари мавжуд.

Буларнинг биринчилари ташкилот турини кўрсатади: .com – энг кўп тарқалган бўлиб, бу асосан тижорий ташкилотларда ишлатилади.

.edu – таълим муассасаларига тегишли.

.gov – ҳукумат муассасалари.

.net – турли компьютер тармоқларига тегишли.

.org – асосан тижорий бўлмаган ташкилотлар томонидан ишлатилади.

3

ташкilotдир. Одатда "Тармоқ" сўзи бош ҳарфда ёзилганда айнан бутунжаҳон интернет тармоғи назарда тутилади. ISP-провайдерни катта компания бўлиб, улар аҳоли яшайдиган тарқоқ масканларда POP (POP — Point of Presence) деб номланувчи хизмат нуқталарига эга бўлишади. Ушбу нуқталарда мижозларни интернетга чиқариш учун махсус жиҳозлар мавжуд бўлади.

Доменлар

Интернет глобал ахборот тармоғи бўлиб, унинг турли қисмлари ягона манзил муҳити билан бирига мантқан боғланган.

Агар сиз электрон почтадан фойдаланган бўлсангиз, домен тушунчасига дуч келган бўлишингиз мумкин. Электрон почта манзилида @ белгисининг ўнгида жойлашган қисм "домен" деб номланади ва почта қутисининг жойлашувини кўрсатади.

Домен интернетнинг маълум бир қисми номини билдиради. Доменлар доменности қисмларга бўлиниши мумкин, улар масъулият ёки мавзулар бўйича тегишли тармоқ гуруҳлари томонидан тақсимланади.

Ҳар бир гуруҳ ўзига қарам гуруҳларга тақсимлан-

2

маълумотларни жўнатиш ва махсус жойда сақлаш учун яратилган, бундай жойлар почта қутилари деб аталади. Ҳар бир инсон Internetда ўз почта қутиси (E-mail)ни яратиши мумкин, бунинг учун махсус почта серверлари мавжуд. Улардан бири Rambler (www.rambler.ru) серверидир. Бу ерда почта қутисини бепул рўйхатдан ўтказиш мумкин.

Рўйхатдан ўтиш учун бош саҳифадаги регистрация боғини босиб, регистрация саҳифасига ўтиш ва ундаги кўрсатмаларга риоя этиш кифоя.

WWWда ишлашда хавфсизлик Асосий қоидалар

Нотаниш манзилдан, шубҳали ва унга файл кўшилган хатларни очманг.

Албатта антивирусдан фойдаланинг.

Файлларни файлли серверлардан кўчирганингиздан сўнг, уларни албатта антивирусда текширинг.

10-дарс. Амалий топшириқлар.

1-топшириқ. Браузер билан ишлаш.

1. Internet Explorer браузерини очинг.

2. Манзил қаторида манзилни киритинг.

3. Очилган сайт бош саҳифасининг бўлимларини варақлаб кўринг.

7

.mil – ҳарбий соҳага тегишли.

Ҳар бир давлат учун ўзининг географик доменлари бор. Масалан, австралия учун – ".au", Белгия учун – ".be" ва бошқалар.

Биринчи даражали ҳар бир домен ичида кўпгина иккинчи даражали доменлар жойлашган. Юқори даражали доменлар номнинг ўнгида, куйи даражали доменлар эса номнинг чапгида жойлашган.

URL манзиллар тизими

Интернет муҳитида маълум ҳужжатни топиш учун унинг боғини кўрсатиш кифоя. Интернет боғи – бу ресурснинг универсал кўрсаткичидир (URL — Uniform Resource Locator). У интернетга уланган ҳар бир компютерда ресурсларнинг жойлашувини аниқлаши мумкин.

WWW (World Wide Web – умумжаҳон ўргимчак тўри) – Интернетнинг энг ҳаммабоп хизмати бўлиб, айнан унинг ёрдамида тармоқ ресурсларига мурожаатлар оммалашиб кетди.

Умумий кўринишда WWW – бу web-серверлар тизими бўлиб, у махсус тузилишга эга бўлган ҳужжатларга асосланган бўлади (HTML-ҳужжатлари).

Web-сервер тушунчаси қўлланилишига қараб қурилма ёки дастурий таъминот қисмини англатиши мумкин. Қурилмали web-сервер – бу web-сервер дастури

4

ишлайдиган компютердир. Дастурий web-сервер – бу сўровларни қабул қилиб, шу сўровларга мос ҳолда иш бажарадиган дастурдир. Масалан, у бошқа дастурларни ишга тушириши ва ҳужжатларни яратиши мумкин. WWW хизмати мижоз-сервер архитектураси кўринишида тузилган. Бу дегани фойдаланувчи мижоз дастури (браузер) ёрдамида сервердаги у ёки бу маълумот учун сўров юбориши мумкин, web-сервер эса, ўз навбатида, браузер сўровларини қабул қилиб, тегишлича жавоб беради.

Internet Explorer браузери билан ишлаш

Internet Explorer — web-саҳифаларни кўриш учун энг кўп тарқалган браузердир.

Худди бошқа дастурлар сингари у ҳам асбоблар панелига эга:

Асбоблар панели қуйидаги тугмалардан иборат:



• **Назад (Орқага)** – кўриш ойнасида аввалги акс эттирилган саҳифага қайтаради.

• **Вперед (Олдинга)** – "Орқага" тугмаси ёрдамида бажарилган амални бекор қилади.

• **Остановить (Тўхтатиш)** – Web-саҳифа юкла-

5

Университетимизда ўз танлаган мутахассислиги бўйича аъло баҳо-ларга ўқиётган ва намунали хулқи билан бошқаларга ўрнак бўлаётган талабалар кўп. Ана шуларнинг ичида адабиёт ва санъатга ихлосманд ижодкор талабалар ҳам бисёр. Уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ўқув юртимизда адабиёт тўгараклари ишлаб турибди, шунингдек, шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар, баҳру байт кечалари ўтказилиб бо-рилмоқда. “Xabar” газетасида ҳам кўплаб ижодкор талабаларимизнинг машқлари босилиб туради. Қуйида талабаларимизнинг ижод намуналаридан шеърий гулдаста тузиб, эътиборингизга ҳавола қиляпмиз. Келгу-сида улардан малакали мутахассис ҳамда сермахсул ижодкорлар ети-шиб чиқишига умид қиламиз.

Содиқжон ҚОСИМОВ,
ТАТУ Маънавият ва маърифат кенгаши раиси, университет ректори

Муҳаббатим — баҳор, Баҳор — ёшлигим!

ОШИҚЛИК

Ёмғир ёғар майда-майдалаб,
Юрагимни тирнар бир туйғу.
Юрак тепар сени “қайда”лаб,
Кўзларимга илинмас уйку.

Хаёлимдан кетмас висолинг
Шунчалар ҳам бепарқимсан сен?
Ой-у кундан гўзал жамолинг,
Сен Ширинсан, Фарҳодингман мен.

ТАНҲО ЮЛДУЗИМ (Ўхшатма)

Гўзалим, кўкдаги танҳо юлдузим,
Қошлари камоним, лобар гулюзим.
Севаман сизни мен жонимдан ортиқ
Бу қалбим тубидан чиққан дил сўзим —
Гўзалим, кўкдаги танҳо юлдузим.

Қошлари камоним, лобар гулюзим,
Дунёда севганим сизсиз ягона.
Сизнинг ишқингизда менман девона,
Қалбимда кўп сизга атаган сўзим —
Қошлари камоним, лобар гулюзим.

Бу қалбим тубидан чиққан дил сўзим,
Сизни кўрганимда ўйнар юрагим,
Сизга етишмоқлик олий тилагим.
Сиз Лайли бўлсангиз, Мажнунман ўзим —
Бу қалбим тубидан чиққан дил сўзим.

Гўзалим, кўкдаги танҳо юлдузим,
Қошлари камоним, лобар гулюзим.
Севаман сизни мен жонимдан ортиқ
Бу қалбим тубидан чиққан дил сўзим —
Гўзалим, кўкдаги танҳо юлдузим.

Алимардон ТУРСУНОВ,
2-босқич талабаси

ОБОД ҚИЛ

Бу ҳаётнинг қонуни кўп
Ҳам сахий, ҳам беомон,
Кимда унга риоя йўқ,
Тақдиридир кўп ёмон.

Меҳнат қилсанг, меҳр қилсанг,
Роҳатинг мўл оламда,
Мақр қилсанг, ҳасад қилсанг,
Шармандасан қадамда.

Ким ноҳалол бойлик тўплар,
Бойлик вафо қилмайди.
Элда иззат, эътибордан
Қолганини билмайди.

Боғ яратсанг, донг таратсанг,
Ҳар ишда эсанг илгор.
Ҳурматдасан, иззатдасан,
Ҳар жойда омадинг бор.

Шудир ҳаёт фалсафаси:
Яша, ярат, ижод қил,
Хур Ватанда, иқбол сенда,
Элни яшнат, обод қил!

РУБОИЙЛАР

Яхшилик қилмасанг, яхшилик кутма,
Яхшилик қилгани асло унутма,
Яхшилик — зиёдир, ёмонлик — зулмат,
Бахиллик ва ҳасад йўлини тутма.

Хурмат қил хурматни билган кишини,
Самимий назарга илган кишини.
Қадрингга етсаю, билса ўз қадрин,
Ардоқла, кўп иззат қилган кишини.

БАҲОР

Диёримга баҳор бирла муаттар-соф ҳаво келди,
Чугирлаб қуш-ҳашорат, ҳар томондан хуш наво келди.
Дарахтлар гулга бурқанди, адир-боғ майсага тўлди,
Қилиб кўкдан патир, сомса дилу дардга даво келди.
Қизир меҳнат, ўйин-кулгу элимнинг боғу роғида,
Гулу лола сайл фасли қари-ёшга раво келди.

Бобир ШОМАҚСУДОВ,
4-босқич талабаси

БИР ДАРАХТ БЎЛСАЙДИМ...

Бир дарахт бўлсайдим, шивирлаб,
Сирим айтар эдим қулоғингизга.
Япроқдайин майда-майда дилимни,
Қурбон этардимей оёғингизга.

Бир дарахт бўлсайдим
Пойимда айтилган минг дардди олардим,
Дардларнинг нажотин Тангридан сўраб,
Кўкка буй чўзганча қолардим.

Бир дарахт бўлсайдим...

Келинг!
Мен бир ишқда дали девона,
Юзимни босайми изларингизга,
Севгимни яширдим сиздан пинҳона,
Йиғлаб боқолмадим кўзларингизга.

Келманг!
Юрак қургур ўксиб қабул қилмайди,
Сўзларингиз аччиқ, лек қалбим тилмайди.
Ишқингизда ёниб адо бўлганим,
Кўнглинги сезмайди, эвоҳ билмайди!

Келинг!
Кўзларим нигорон йўлларингизда,
Мен ҳам яшайманми ўйларингизда,
Сўнги дам исмингиз тақрорлаб аста,
Улсам майли эди қўларингизда.
Кел..!

Маҳфуза ЙЎЛДОШЕВА,
4-босқич талабаси

МУҲАББАТИМ

Муҳаббатим — баҳор ёшлигим,
Беғуборим, қочқоқ бир қушчам.
Рози эдим олис-олисга
Сенинг билан бир умр учсам...

Муҳаббатим — сен ўзинг шеърим,
Топинганим, кўзларим нури.
Оппоқ қоғоз — сирдошим — қалам,
Сўзларимдир севинч сурури.

Муҳаббатим — менинг орзуим,
Орзу менга бўлади қанот.
Орзулар-ла кўкларга учиб,
Чиқарайин дейман яхши от.

Муҳаббатим — менинг бахтимдир,
Бахтим излаб, дунё кезаман.
Муҳаббатим топилган кунни,
Мен ўзимни бахтли сезаман!

Элдор АҚРОМОВ,
4-босқич талабаси

Дастурлаш бўйича ҳудудий танлов

Тошкент ахборот технологияла-ри университетининг Урганч филиалида 11 май куни талаба-лар ўртасида дастурлаш бўйича “Ал-Хоразмий 2008” ҳудудий танлови ўтказилди.

Ёшлар йилига бағишланган мазкур тад-бирда Хоразм, Самарқанд, Бухоро, Қашқа-дарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Рес-публикаси олий таълим муассасалари тала-баларидан иборат ўнта жамоа иштирок этди.

Ушбу танлов дастурлаш бўйича жаҳон чем-пионатининг Марказий Осиё минтақаси бўйи-

ча чорак финал мусобақалари олдидан иккин-чи бор ўтказилаётган синов турнири бўлиб, ТАТУ Урганч филиали, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Хоразм вилоя-ти ҳудудий бошқармаси, “Хоразм Телеком” филиали, “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Хоразм филиали, “Ўздурробита” ХК ва “Камолот” ЕИХнинг вилоят бўлимлари ҳамкорлигида ташкил қилинди.

Қизғин баҳс ва мунозараларга бой белла-шувларда I ўринни Бухоро озиқ-овқат ва ен-гил саноат технологиялари институтининг “DIPLOTEAM” дастурчилари, II ўринни ТАТУ Урганч филиали “Ал-Хоразмий 1” дастурчи-



лари, III ўринни Урганч давлат университети-нинг “Урсу”-дастурчилари жамоаси эгаллади. Ғолиблар ҳомийлар томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Шаҳноза МАТЧОНОВА,
ТАТУ Урганч филиали
3-босқич талабаси

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-сонли қарори билан тасдиқланган "Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низом"нинг 49-бандига асосан:

"A.SH.BARAKA" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент шаҳри) аризага мувофиқ ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0001344 рақамли лицензиясининг амал қилиши 2008 йил 7 майдан; "RAFAEL-AXMED" кўп тармоқли хусусий фирмасининг (Жиззах шаҳри) аризага мувофиқ ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0000868 рақамли лицензиясининг амал қилиши 2008 йил 19 майдан тўхтатилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-сонли қарори билан тасдиқланган "Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низом"нинг 23-бандига асосан:

"КУРБАНОВ МАЪМУРЖОН НОРКОБИЛОВИЧ" хусусий савдо ишлаб чиқариш фирмасининг (Қашқадарё вилояти) маҳаллий телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолият учун берилган АА серияли 0002292 рақамли;

"MAGNOLIY NET" хусусий корхонасининг (Самарқанд шаҳри) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолият учун берилган АА серияли 0002294 рақамли;

"Диёров Хусниддин Мухаммадиевич" хусусий фирмасининг (Қашқадарё вилояти) маҳаллий телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолият учун берилган АА серияли 0002303 рақамли; "РАДИО+" хусусий фирмасининг (Қашқадарё вилояти) маҳаллий телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолият учун берилган АА серияли 0002304 рақамли; "ЭЛЕКТР АЛОҚА" хусусий фирмасининг (Қашқадарё вилояти) маҳаллий телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолият учун берилган АА серияли 0002305 рақамли лицензиялари 2008 йил 7 майдан; "MAKS-STROY-GLOBAL" хусусий корхонасининг (Тошкент шаҳри) шаҳарлараро телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолият учун берилган АА серияли 0002296 рақамли лицензияси 2008 йил 19 майдан бекор қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-сонли қарори билан тасдиқланган "Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низом"нинг 52-бандига асосан "ТехноServCA" хорижий шўба корхонасининг (Тошкент шаҳри) аризага мувофиқ:

- кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини лойиҳалаш ва куриш бўйича фаолият учун берилган АА серияли 0002269 рақамли;
- маҳаллий телекоммуникация тар-

моқларини лойиҳалаш, куриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолият учун берилган АА серияли 0002270 рақамли лицензиялари 2008 йил 19 майдан бекор қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 24 октябрдаги "Телекоммуникациялар соҳасида фаолият кўрсатиш ҳуқуқи учун давлат божи миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 421-сонли қарорига асосан:

"AVTOTRANSSTROYMEXANIZATSIYA" ОАЖ «NAVOIYENER-GOALQA» шўба корхонасининг (Навоий шаҳри) маҳаллий телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0001868 рақамли;

"Сурхон электралоқа махсус таъмирлаш" масъулияти чекланган жамиятнинг (Термиз шаҳри) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини куриш ва фойдаланиш (техник хизматлар кўрсатиш) бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0001413 рақамли;

"GOLD TELEKOM" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент шаҳри) кўчма радиотелефон (транк) алоқа тармоқларини лойиҳалаш, куриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0001366 рақамли;

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги "UZROSS-TECHNO" кўчма корхонасининг (Тошкент шаҳри) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш, куриш ва фойдаланиш (техник хизматлар кўрсатиш) бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0001887 рақамли;

"Телеком-А" хусусий фирмасининг (Термиз шаҳри) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш ва куриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0001886 рақамли; "Gijduvon-oynai jahoni" кичик кор-

хонасининг (Бухоро вилояти) теледастурлар тарқатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0001469 рақамли;

"Шарқ телевидениеси" ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятининг (Наманган шаҳри) теледастурлар тарқатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0001594 рақамли;

"БУНЁД" хусусий савдо ишлаб чиқариш фирмасининг (Фаргона вилояти) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини куриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0001936 рақамли;

"Хаёт" масъулияти чекланган жамиятнинг (Қарши шаҳри) теледастурлар тарқатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш (кабели телевидение) бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0001944 рақамли;

"СТУДИЯ-ШОХНОЗА" хусусий фирмасининг (Урганч шаҳри) теледастурлар тарқатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш (кабели телевидение) бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0001950 рақамли лицензияларининг амал қилиши 2008 йил 19 майдан 10 иш кунига тўхтатилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-сонли қарори билан тасдиқланган "Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низом"нинг 48-бандига асосан "Жартел Интернет" хусусий фирмасининг (Сурхондарё вилояти) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини куриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0001822 рақамли лицензиясининг амал қилиши 2008 йил 19 майдан тикланди.

ҲАЁТДАГИ БИРДАН БИР БАХТ - БУ ДОИМО МАКСАД САРИ ОЛФА ИНТИЛИШДИР!

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!!!

«Universal Ta'lim»

Ўқув маркази кўйидаги интенсив ўқув бўлимларида тақлиф қилади:

1. АХБОРОТТЕХНОЛОГИЯЛАРИ БЎЛИМИ:

(фақат яқка тартибда)

- **Ўрта ва кичик бизнес менежери** - 1 йил, тезкор - 5 ой, 1 ойга - 40 минг сўм (Бизнес асослари, бухгалтерия, меҳнат қонучилиги, компютер, интернет).
- **Компютерда офис ишлари** (бошловчилар учун тўлиқ курс): Windows XP, Microsoft Office: Word, Excel, Paint. Муддати - 2 ой, тезкор ўқитиш - 1 ой ёки 15 кун, 1 ойга - 15 минг сўм.
- **INTERNET ва E-MAIL** (электрон почта) - 15 кун, тезкор - 4 кун, 15 минг сўм.
- **Компютерларни модернизациялаш, йиғиш ва дастурларни ўрнатиш** - 1 ой, тезкор - 6 кун, 1 ойга - 40 минг сўм. Компютерларро локал тармоқлар ва сервер бошқаруви - 1 ой, тезкор - 6 кун, 40 минг сўм.
- **Photoshop, Corel Draw, 3D Max, Auto Cad, Flash MX, Page Maker, Adobe Premiere** (видеомонтаж) дастури. 1-2 ой, 1 ойга - 40-50 минг сўмдан.
- **WEB-сайтлар яратиш (HTML, JAVA, Home Site, Dreamweaver)** - 2 ой, 1 ойга - 50 минг сўм.
- **Дастурлаштириш (VISUAL C++ NET, BASIC 6, DELPHI)** - 6 тезкор - 3 ой, 1 ойга - 150 минг сўм. Ва бошқа дастурлар...
- **SQL (Server) маълумотлар базаси бошқарувчиси** - 2 ой, 1 ойга - 150 минг сўм ва бошқа дастурлар...

2. МОЛИЯ-ИҚТИСОД, ҲУҚУҚ ВА БОШҚАРУВ БЎЛИМИ:

(маҳалли раҳбар ва бош ҳисобчилар дарс берадилар)

- **Ўрта ва кичик бизнес менежери** - 1 йил, тезкор - 5 ой, 1 ойга - 40 минг сўм (Бизнес асослари, бухгалтерия, меҳнат қонучилиги, компютер, интернет).
- **Бухгалтер - молиячи (бош ҳисобчи даражасида)** - 1 йил, тезкор - 3-5 ой, 1 ойга - 35 минг сўм (нолдан балансгача, Компютер, Интернет, "1С" бухгалтерия программаси).
- **"1С" бухгалтерия программаси** - 1 ой, тезкор - 8 кун, 80 минг сўм. Яқка тартибда.
- **"1С" бухгалтерия программасини ўрнатиш хизмати** -

шартнома асосида.

- **Корхона ҳуқуқшунослиги** (Компютер. Ҳужжатлаштириш. Меҳнат қонучилиги. Бизнеснинг ҳуқуқий асослари. Бухгалтерия) - 1 йил, тезкор - 3-5 ой, 1 ойга - 40 минг сўм.
- **Банк иши** (офис ва банк программаси, кредитлаш ва бухгалтерия) - 1 йил, тезкор - 3-5 ой, 1 ойга - 40 минг сўм.
- **Кадрлар иши** - 6 ой, тезкор - 2 ой, 1 ойга - 40 минг сўм (Компютер, Internet, меҳнат қонучилиги).
- **Секретар-референт** - 3 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга - 40 минг сўм (Компютер, Internet, иш юритиш тактикаси).

3. ЙИГИТ-КИЗЛАРНИ ҲАЁТТА ТАЙЙАРЛАШ БЎЛИМИ:

(фақат кичик гуруҳларда)

- **Аудио, видео аппаратуралар таъмирловчи** - 4 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга - 50 минг сўм.
- **Электромонтёр** - 4 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга - 50 минг сўм.
- **Уяли телефонларни таъмирлаш** - 3 ой, 1 ойга - 100 минг сўм.
- **Уяли телефонларни дастурлаштириш** - 1 ой, 200 минг сўм.
- **Заргарлик** - 6 ой, тезкор - 3 ой, 1 ойга - 70 минг сўм. Яқка тартибда. заргар ўргатади.
- **Сартрош-стилист, педикюр-маникюр** (эркалар ва аёллар учун) - 4 ой, тезкор - 2 ой, 1 ойга - 20 минг сўм.
- **Тириклар ва китрикларни ўстириш, тирикларни коррекциялаш, акрил ва гуаш билан гул ясаш, чизки** (яқка тартибда) - 1 ой - 150 минг сўм.
- **Косметолог-визажист** - 2 ой, олий курси билан тезкор - 1 ой, 1 ойга - 20 минг сўм.
- **Фармацевтика** (Компютер, интернет билан) - 1 йил, тезкор - 3 ёки 5 ой, 1 ойга - 20 минг сўм. Ўқиш дорихонада.
- **Тиббиёт ҳамшираси, массажчи** (Компютер ва интернет билан) 1 йил, тезкор - 3 ёки 5 ой, 1 ойга - 20 минг сўм. Ўқиш поликлиникада.
- **Кийимларни тикюв-бичиш, моделлаштириш ва элита пардалар** - 4 ой, 1 ойга - 20 минг сўм, тезкор - 2 ой.

- **Астарли устки кийимлар тикюв** - 3 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга - 25 минг сўм (яқка тартибда).
- **Тўй ва оқшом кўйлаклари тикюв** - 2 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга - 30 минг сўм (яқка тартибда).
- **Газламалардан гуллар ясаш** - 2 ой, тезкор - 10 кун, 1 ойга - 25 минг сўм (яқка тартибда).
- **Қўлда кийим-бюмулар тўқувчи** (яқка тартибда) - 3 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга - 25 минг сўм.
- **Бисер усулида каштачи-безакчи** (олий курси билан) 2 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга - 20 минг сўм.
- **Бисер асосида дизайн** - (яқка тартибда) - 2 ой, 1 ойга - 20 минг сўм.
- **Зардўлик** - (яқка тартибда) - 3 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга - 25 минг сўм.
- **Машинада ва қўлда кашта тикюв** (ёшиқка) - 3 ой, 1 ойга 25 минг сўм (яқка тартибда).
- **Юмшоқ ўйинчоқлар ясаш** (яқка тартибда) - 2 ой, 1 ойга - 20 минг сўм.
- **Ўйгур, миллий ва европа таомлари** (70дан ортиқ овқатлар) 3 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга - 20 минг сўм.
- **Пазандачилик** - (пишириқлар, тортлар, салатлар, овқатлар...) 3 ой, тезкор 1 ой ва 1,5 ой, 1 ойга - 20 минг сўм.
- **Тортларни олий даражада безатиш санъати** - 1 ой, 150 минг сўм (яқка тартибда).

4. ТИЛЛАРИНИ МУКАММАЛ ҲАҚИЯТИНИ БЎЛИМИ:

(кичик гуруҳларда, аудио-видео аппаратуралар ёрдамида)

- **Инглиз тили** - (бошловчилар учун) - 4 ой, (чўқур ўрганиш) гит-таржимон - 4 ой, (олий курси) гаплашув клуби - 4 ой, 1 ойга - 20 минг сўм.
- **Рус тили** - (бошловчилар учун) - 4 ой, (давом эттирувчилар учун) - 4 ой, гаплашув клуби - 4 ой, 1 ойга - 20 минг сўм.
- **Немис, француз, инглиз, рус, корей, турк ва араб тиллари** - (яқка тартибда) - 4 ой, ҳафтада 3 марта, 1 ойга - 100 минг сўм.

- Дарслар фақат яқка тартибда ёки кичик гуруҳларда деярли ҳужжат топширган кунингизданок бошланади;
- Ўқиш вақтини ўзингиз белгилайсиз. Барча йўналишлар бўйича тезкор ўқитиш гуруҳлари мавжуд. Ўқиш учун фақат паспорт ёки тўғилганлик ҳақида гувоҳнома талаб қилинади. Тўлов нақд пул ёки пул ўтказиш йўли билан!
- Сертификат - диплом бериллади.
- Қабул: 9:00-19:00, дам олиш кўни - яққанба. Ётоқхона - 1 ойга 25-30 минг сўм.

МАНЗИЛ: Тошкент ш., Халқлар дўстлиги кўчаси, 13-уй.
КЕЛИШ ЙЎЛИ: Автобус: 77. Трамвай: 9.
Тролейбус 6. Маршрутка: 98, 132, 15, 134, 40, 81, 12, 98. **Метронинг** «Хамза» бекати.
 Мўлжал: «Flagman» кафе-ресторанининг ўнг томонидаги 13-уй.


Тел.: 173-91-60(факс), 173-44-26.



Лицензия № АБ/УЗ 0019220070902-05


OQLAR BOSHLAYDI VA...

1-масала
Н.КОНОНОВ (1946 йил)



Икки юришда мат

2-масала



Уч асп иштирокидаги
уч юришли мат

Тўпловчи ва муаллифлар:
Абдулхай НИШОНОВ, Исмоил МУСО

xabarnoma@mail.ru

“Xabar”нинг 2008 йил 18 апрел,
16 (813)-сонда чоп этилган шахмат масалалари жавоблари:

1-масала (тўрт юришда мат) — жумбокнинг “КЭЦ — Константин Эдуардович Циолковский юлдузи” деб аталиши бежизга эмас. Маълумки, замонавий космонавтикага асос солган бу олим биринчи бўлиб ракеталардан сайёралараро парвозларда фойдаланиш мумкинлигини илмий жиҳатдан асослаб берганди. Масала муаллифларининг наздида шахмат тахта-сидаги доналар ҳаракати ҳам гўё ракетанинг парвозга шайланишини эслатади, шундай эмасми?!: 1. c2:c4 c8:d6 2. c4-c1+ b2:c1 (фарзин)+ 3. c5:c1+ d2:c1 (фарзин)+ 4. c6:c1 3. 2-масала (уч юришда мат): 1. d1-h1! b5-e8 2. g6-b1 (3. фарзин b4 #) e8-b5 3. b1-g1 #

SPORT



“ТОШКЕНТ ТЕЛЕКОМ” —
ВИЛОЯТ АЛОҚАЧИЛАРИ
КУБОГИ СОҲИБИ

Тошкент вилояти алоқа корхоналари ўртасида Ёшлар йилига бағишлаб мини-футбол мусобақаси ўтказилди. Тўйтепа шаҳри стадионида бўлиб ўтган баҳсларда вилоят алоқа корхоналарининг саккиз жамоаси иштирок этди.

Мусобақанинг учинчи ўрин соҳибини аниқлаш учун Янгийўл ва Зангиота телекоммуникациялар боғламалари жамоалари майдонга тушишди. Қизиқарли ўтган ўйин 2:1 ҳисоби билан янгийўллик алоқачилар фойдасига ҳал бўлди.

Биринчи ўрин ва кўча кубок учун “Тошкент Телеком” филиали маъмурияти жамоаси ва Тўйтепа телекоммуникациялар боғламаси жамоалари учрашди. Уйинда ўз устунлигини намоиш эта олган маъмурият жамоаси 6:3 ҳисобида ғалаба қозонди.

Мусобақалар якуни бўйича голиби ва совриндорлар турли даражали диплом ва эсдалик совгалари билан тақдирланди. Мукофотларни Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи А.Давладияров топширди.

ЭРТАГА “ҚУРУВЧИ”НИНГ РАҚИБИ
МАЪЛУМ БЎЛАДИ

Осиё чемпионлар лигаси гуруҳ учрашувларининг сўнгги тур ўйинлари ўтказилди. Мамлакатимиз вакиллари иштирок этган гуруҳларда барча масала бир тур аввал ҳал бўлиб улгургани боис, баҳслар у қадар муҳим аҳамият касб этмади.

“Пахтакор” — “Ал Гарафа” — 2:0
Голлар: Зайниддин Тожиев, 19, Одил Аҳмедов, 87-пен.
“Севахон” — “Курувчи” — 1:1

Голлар: Жалолиддин Муҳаммадий, 4 — Гочули Гочулиев, 70.
“Курувчи”нинг чорак финалдаги рақиби эртага — 24 май куни ўтказиладиган қуръа ташлаш маросимидан сўнг маълум бўлади.

ҲИССИЁТГА БОЙ ФИНАЛ

“Манчестер Юнайтед” — Чемпионлар лигаси кубоги соҳиб!
«Манчестер Юнайтед» — «Челси» — 1:1 (пеналтилар бўйича — 6:5)
Голлар: Роналду, 26 — Лэмпард, 44.

Чемпионлар лигаси кубоги — Европа клубларининг энг муҳим мусобақаси ва бунга ортиқча таъриф беришнинг ҳолати йўқ. Айниқса, мусобақа бу тарзда яқун топса... Айнан шундай ўйинларгина футбол тарихидан муҳим ўрин олади. Ва албатта, бундай учрашувлар буюк “чарм тўп” эгаларининг қайгуларисиз яқун топмайди.

Шиддатли кенган финал баҳсининг асосий вақти 1:1 ҳисоби билан яқунланди. Қўшимча вақтда ҳам ҳисоб ўзгармай қолди. Кубок тақдирини 11 метрлик жарима тўплари ҳал қилиб берди. Аввалига омад “Челси” учун хизмат қилаётгандек эди: “МЮ” етакчиси Роналду гол киритолмагач, аристократлар сардорининг голи жамоага ғалаба келтириши аниқ бўлиб турганди, бироқ Терри нишонни мўлжалга ололмади. Бу ёнига биринчи хато ўйинга нукта қўяди ва бу хато Анелка томонидан амалга оширилди. Аниқроғи, “МЮ” дарвозабони Ван дер Саар уни хато қилишга мажбур қилди.



Ўйинда футболда учраши мумкин бўлган барча ҳодиса гувоҳи бўлдик. Чиройли комбинациялар, голлар, хавфли вазиятлар, пеналтилар серияси... Яқунда кимдир қувончдан, кимдир аламдан кўз ёш тўқди.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Қорақалпоқ филиали Хўжайли почта алоқаси тармоғи жамоаси 1-алоқа бўлими бошлиғи Амет Кўчқоровга падари бузруквори **Базарбой ота КҮЧҚОРОВ**нинг вафоти муносабати билан чукўр ҳамдардлик билдиради.

“Ўзбектелеком” АК “Ўзбектелеком Мобайл” филиали жамоаси филиалнинг Қашқадарё боғламаси етакчи муҳандиси Жамшид Ҳақбердиевга падари бузруквори **МАХМУД** отанинг вафот этганлиги муносабати билан чукўр таъзия билдиради.

“Ўзбектелеком” АК “Shaharlarga aloqa korxonasi” филиали жамоаси филиал бош хуқуқшуноси Зафаржон Бобуқоловга онаси **НАФИСА** аянинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Қашқадарё филиали жамоаси меҳнат фахрийси, “Мохир алоқачи” фахрий унвани соҳиб **Махмуд ҲАҚБЕРДИЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чукўр таъзия билдиради.

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА
АХБОРОТЛАШТИРИШ
АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:
Абдусайд КҮЧИМОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Бахтиёр КУБЕЕВ
Шомансўр ОБИДУҲАЕВ
Миродил САНГИЛОВ
Шухрат СОДИҚОВ
Лутфилло ТУРСУНОВ
(масъул котиб)
Асаджон ХҲҲАЕВ
Рустам ҚОСИМОВ
Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета
Ўзбекистон матбуот ва ахборот
агентлигида 0016 рақами билан
рўйхатга олинган.

МАНЗИЛИМИЗ:

100060, Тошкент-60,
Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.
Тел.: 233-36-48; 236-35-29.
Факс: 236-36-42.
E-mail: orif@infonet.uz

Таҳририятга келган кўлэзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланиши мумкин.

Нашримиздан кўчириб босилганда “Xabar”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал —
Реклама матнларининг тўғрилиги таҳририят жавобгар эмас.

Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.

Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри,
“Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

453-G сонли буюртма.
Оффсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.
Адади: 12356 нусха.

Газета таҳририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.

Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ.
Матн терувчи: Дилфуза МАТҚУРБОНОВА.

Ахборот ҳамкоримиз:
UZINFOCOM маркази.

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

1 2 3 4 5 6 8



КЎЗИНГИЗНИ КОМПЮТЕРГА МОСЛАШТИРИНГ

— Кўп вақтини монитор экрани олдида ўтказувчи кишилар шикоятларини икки гуруҳга бўлиш мумкин, — дейди **Диёра Юсупова**. — Булар «кўрув» ва «кўз». Биринчи гуруҳга кўзнинг хираланиши, яқин масофадан узоқ масофага ва аксинча, суст қайта фокуслаши, буюмларнинг иккита бўлиб кўриниши, ўқиётганда кўзнинг тез чарчаши сингари аломатлар киради.

Кўзнинг ачишиги, қовоқ остига гўёки кум тикилаётгандек бўлиши, кўз косаси ва манглайда оғриқлар, кўзни ҳаракатлантирганда оғриқ пайдо бўлиши, кўз соққаларининг қизариши иккинчи гуруҳга мансуб аломатлардир. Бу аломатларнинг бари «астенопия» — кўришнинг зафлашиши деб юритилади.

Айтиб ўтилган касаллик аломатлари видеодисплей терминалдан фойдаланувчиларнинг талайгина қисмида учраб, у, асосан, экран олдида муттасил ишлаш вақтига ва ишнинг хусусиятига боғлиқ.

Астенопия компьютердан фойдаланувчиларнинг бир қисмида 2 соатдан кейин, аксариятида — 4 соатдан сўнг ва деярли барчасида экран олдида ишлаш бошлаганидан 6 соат ўтгач кузатилади. Дисплей экранида маълумотларни ўқиш чоғида киши камрок, маълумотларни киритиш мобайнида эса кўпроқ зарарланади. Диалог усулида ишлаш кучли умумий чарчоқни келтириб чиқаради. Компютер графикаси, яъни шахсий ЭХМ ёрдамида чизмалар тайёрлаш ва уларни тузатиш, айниқса, экран кичик ва ундаги деталлар зичлиги юқори бўлса, кўзга зўр келади.

Дарвоқе, компютерда узоқ вақт ишлаш бирон-бир органик кўз касаллигини келтириб чиқармайди. Бундай иш натижасида кўриш аъзосида рўй бериши мумкин бўлган бирдан-бир ўзгариш — яқиндан кўриш хасталигининг вужудга келиши ва кучайишидир.

Кишининг фаолияти дисплей экранини кузатиш билан нечоғли боғлиқ бўлса, у кўз шифокори ёрдамига шунчалик кўп эҳтиёж сезади. Шу сабабли кўзни компютерга мослаштириш усули долзарб бўлиб қолмоқда. Бунда асосий

Бугунги кунда компютернинг имкониятлари, фойдалари тўғрисида гапириш гўёки шакарни ширин экан дегандай гап. Шу боис биз бугун ушбу техника мўъжизасининг бошқа томони ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Гап шундаки, компютернинг жаҳонда кенг тарқалиши ундан фойдаланувчилар саломатлигига салбий таъсир кўрсатаётганлиги ҳам қатор эътирозларни келтириб чиқармоқда. Тиббиётга оид нашрларда компютер билан боғлиқ бўйин радикулити, кўл бармоқларининг бўғим касалликлари, юз терисининг яллиғланиши ҳақида маълумотлар пайдо бўляпти. Компютерда ишлаш орқали келиб чиқадиган тутқаноқ, ҳомиладор аёлларнинг бола ташлаши каби янада хавfli ҳолатлар ҳам баён этила бошланди. Бироқ компютердан фойдаланувчилар кўпроқ кўзлари зарарланаётганлигидан зорланишади. Офтальмология ва оптометрия адабиётларида «Компютер кўрув синдроми» (Computer Vision Syndrome) атамасининг пайдо бўлгани ҳам бежиз эмас. Хўш, бунинг моҳияти нимада, ундан сақланиш йўли борми? Ушбу саволларга жавоб топиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Кўз касалликлари шифохонасининг лазер бўлими шифокори **Диёра ЮСУПОВА** билан суҳбатлашдик.

тадбир — оптик кўзойнақдан фойдаланишдир.

— Айни вақтда видеодисплей терминалдан фойдаланувчилар учун хилма-хил рангли кўзойнақлар мавжуд.

— Албатта, кўпинча улар сақлагич кўзойнақлар деб юритилади. Бироқ бу мантиқан тўғри эмас, зеро, замонавий мониторларнинг экранлари нур чиқарувчи трубка электроникасида вужудга келадиган барча турдаги зарарли нурланишлардан ишончли ҳимоя қиладди. Мазкур компютер кўзойнақлари экрандаги тасвир контрастини яхшилайдди, шунингдек, кўзнинг толиқишини камайтиради ҳамда оддий кўзойнақларга нисбатан кўзнинг турли масофада турган буюмларни кўришга мослашишини яхшилайдди. Москвадаги академик С.Фёдоров номидаги Кўз микрожарроҳлиги марказида махсус релаксация кўзойнақлари ишлаб чиқилди. Ана шу кўзойнақларнинг линзалари ёруғлик филтрлардан иборат бўлиб, уларнинг ўтказиш спектри кўзни толиқишдан сақлаш, кўриш анализатори фаолиятини фаол тиклаш имконини беради. Мақбул тартибот, иш ва дам олишни муайян уйғунликда олиб бориш, дам олиш вақтида кўз машқларини бажаришнинг фойдаси оптик ва сақлагич кўзойнақ тутишдан оз эмас. Кўзида нур синдириш жараёни ҳали шаклланмаган ва ҳаддан ташқари зўриқиш яқиндан кўриш хасталигининг ривожланишига олиб келиши мумкин бўлган болалар ва ўсмирлар учун мақбул тартибларга амал қилиш гоят муҳим.

— Болаларнинг компютердан фойдаланиш давомийлиги кунига неча соатни ташкил қилиши керак?

— Бу болаларнинг ёшига қараб белгиланади. Уч ёшгача бўлган болаларнинг видеодисплей терминалдан фойдаланишларига ижозат бермаслик керак, чунки бу улар учун кўриш ва ҳиссий жиҳатдан ўта

юқори даражада зўриқиш ҳисобланади. 3-7 ёшдаги болалар компютер экрани олдида кунига 15 дақиқадан зиёд ўтирмасликлари лозим. Шунингдек, мактабгача тарбия муассасаларида компютерда ўйин машғулоти ҳафтасига икки мартадан ортиқ ўтказилмаслиги ва, муҳими, бу машғулотлар кўз гимнастикаси билан нияланиши зарур.

Мактаб ёшидагилар учун ҳам компютерда шуғулланишнинг қатъий давомийлиги бор. 1-синфда — 10 дақиқа, 2-5-синфларда — 25, 10-11-синфларда машғулотнинг биринчи соатида — 30 дақиқа, иккинчи соатида — 20 дақиқадан ортмаслиги керак. Ўқувчиларнинг уйдаги компютер машғулоти ҳам ана шу вақт доирасидан ташқарига чиқмаслиги даркор.

— Уй шароитида кўз хираланишининг олдини олувчи қандай муолажани тавсия қиласиз?

— Кўз хираланишининг олдини олиш учун профилактик муолажаларга амал қилиш керак. Масалан, компютерда кўп ишлаш натижасида кўз намлиги камайиб, қуриб қолиши мумкин. Бунга қарши ҳозир турли томчи дорилар мавжуд. Ушбу дориларни шифокор тавсияси билан кунига 3-4 маҳал кўзга томизиш керак. Шунингдек, лютин деб номланган витаминлар комплексини ичиб туриш мақсадга мувофиқдир. Кундалик овқат таркибига биологик фаол қўшилмалар — черника мевасидан тайёрланган ҳабдорини киритишдан иборат даволаш курсини ҳам тавсия этамиз. Черника тўр парда таёқчасимон асаб ҳужайраларидаги кўриш моддасини фаоллаштириб, тасвирнинг тиниқлиги ва равшанлигини оширади. Черника ҳабдоринини барча шахар дорихоналаридан топиш мумкин. Уни қўтичасидаги йўриқномага мувофиқ қабул қилиш лозим.

Усмонжон Йўлдошев
суҳбатлашди

КЎЗИМ ЎТКИР БЎЛСИН ДЕСАНГИЗ

Шамадан холиланган куюк чой компресси ҳорғин кўзларни тийрақлаштиради. Шу мақсадда мойчечак гуллари ҳамда эрмон гўёҳчининг кучсиз дамламасидан ҳам фойдаланса бўлади.



Қайнатиб совутилган 300 грамм сувга бир чойқошиқ тоза асал аралаштириб тайёрланган кўлбола дорига намлаб қўйилган доқа кўзга мадад беради.

Кўриш қуввати сусайиб кетган бўлса, кўзни наъма-так гуллари дамламаси билан ювиш лозим.

Кунора ётиш олди-дан кўз қовоғига зай-тун мойи суртиб турил-са, кўз янада чаргоғ-лашади.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

«Фаргона Телеком» филиали жамоаси Фаргона шаҳар телекоммуникациялар боғламаси бош муҳандиси **Улуғбек СУЛТОНОВ**ни 55 ёши билан чин юракдан табриклайди. Унга узоқ умр, оила-сига тинчлик-осойишта-лик, фарзандлари камо-лини кўришини тилайди.

«Сирдарё Телеком» филиали ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси жамоалари филиалнинг етакчи муҳандиси **Умар РАЖАБАЛИЕВИ**ни 70 ёши билан самимий муборак-бод этади. Унга мустаҳ-кам соғлиқ, оилавий хотиржамлик ва фарзанд-лари камолини кўриш бахтини тилайди.

Қорақалпоғистон Республикаси «Матбуот тарқатувчи» МЧЖ ва бирлашган касаба уюш-маси кўмитаси жамоалари корхонанинг Кўнгирот туман филиали бошлиғи **Роза УТЕНОВА**ни 50 ёши билан табриклар, унга мустаҳкам соғлиқ, оила-вий хотиржамлик, ишла-рида муваффақиятлар тилайди.



Азиз муштарийлар!

«Xabar» газетасига обуна давом этмоқда.

Нашр кўрсаткичи — 228

